




Зухрабеги ога - Султон Махмуд Мирзонинг канизаги. Бир ўгил ва бир киз туккан. Бобур биринчи марта Самаркандни ташлаб чикканида Зухрабеги оганинг ўгли, Каршида хокимлик килиб турган Султонали Мирзо тахтни эгаллайди. Самарканд тахти талаш бўлаётган чоғда Зухрабеги Ога Шайбонийхонга хуфёна хат жўнатиб, ўзини хотинликка олпшни сўраб, бунинг эвазига Самаркандни топширишини билдирган. Шайбонийхон Самарканд яқинига келиб ўрнашгач, Зухрабеги Ога ўгли билан унинг хузурига борган. Натижада шаҳар осонлик билан Шайбонийхон кўлига ўтган ("Б.", 796). Бу хатти-харакати учун Бобур Зухрабеги Огани беақл деб таърифлаган. Зухрабеги Оганинг хиёнати Темурийлар салтанати емирилишининг тезлаштирибгина қолмай, балки ўглининг ҳам бошига етган.